

ЎЗБЕКИСТОН
1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМЎУРИЯТИ ИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 33 (2453)

1992 йил 19 март

ПАЙШАНБА

НАРХИ: ОБУНАЧИГА 30 ТИЙИН, СОТУВДА 40 ТИЙИН.

Эрталик кунга ишонч бўлсин

Чилонзор — аҳолиси сонин ва ҳудуди кўламин жихатидан Тошкентдаги энг катта туманлардан бири. Катта рўзгор — катта ташвиш. Вақт силсиласидан ҳаминча омон чиққан ва аҳамиятини йўқотмаган ҳақиқат бу.

Муаммолардан бири — жиноятчилик билан кураш. Уни ҳар ким билганича қал қилиб бормоқда. Баъзан эса милициядан қандай усул билан бўлмасин кўрсаткичларни яхшилашни талаб этиш билан ҳам.

Чилонзор туманида бошқача йўл тутишди. Туман ҳокими Олимжон Жўраев билан Ўзбекистон ИВ катта инспектори милиция майори, жамоатчи мухбиримиз Алексей Брайдовский суҳбати мавзуси айнан шу ҳақда борди. У янги лавозимга ўтирганидан буён атиги бир неча ой ўтди. 42 ёшли иқтисодчи ҳокимликка тайинлангунга қадар беш йил шу туманда ижрокўм раиси, фирқа кўмитаси биринчи котиби, Кенгаш раиси бўлиб ишлади.



— Олимжон Жўраевич, тумандаги вазиятни қандай баҳолайсиз? Ҳоким сифатида эртадан нима кутасиз?

— Чилонзор — шаҳарнинг ажралмас қисми. Шунинг учун унга хос озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой тақчиллиги, жиноятчилик билан кураш, тиббий хизмат, маориф ва мактабгача тарбия соҳасидаги камчиликлар, ҳамма-ҳаммаси Чилонзорда ҳам учрайди.

Бугунги кунда энг долзарб муаммо — бу жиноятчилик билан кураш. Азалдан маълумки, иктимоний иқлим қанчалик илқ бўлса, оператив вазият ҳам шунчалик барқарордир. Бироқ фақат иктимоний вазиятни яхшилашга қаратилган чораларни кўриш билан чекланиб қолиш керак эмас. Бундай ҳатолликка йўл қўймаслик мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятига ҳам кўз-қулоқ бўлиб турибмиз.

Ишончим комилки, милиция, прокуратура, судга амалий ёрдам кўрсатиш масаласи ўз навбатида туман аҳолиси ҳуқуқий ҳимояланганининг яхшиланишига олиб келади. Афсуски, бу борада ишларимиз силлиқ кетаётгани йўқ. Қатор жиноятлар очилмай қолаётир. Ҳар қандай мақсадлардаги жиноятлар, жумладан давлат ва шахсий мулкни ўғриш, шунингдек, оилавий-маиший негиздаги жиноятлар сонин ўсмоқда.

Бу масалалар диққат марказимизда турибди. Жамоат тартибини сақлашга жалб этилган барча кучлар иш учун зарур шароитни яратиш билан бир қаторда (масалан, биз туман маблагини ҳисобидан тегишли штат ва техника билан таъминланган 3 та милиция бўлинимаси очдик) эл осойишталигига масъул раҳбарлардан қаттиқ туриб талаб ҳам қилмоқдамиз.

— Чилонзор — баолар кескин охиб, милициянинг

молиявий харажатлари кўпайган, милиция ходимлари сонин камаймаган бармоқ билан санарли туманлардан бири. Ҳамманинг ҳиқилдоғидан олган муаммони қандай бартараф этдингизлар?

— Бугунги кунда туманда учта: Ал Хоразмий даҳаси, Чарх-Қамолон маҳалласи, Чилонзор кўчасида милиция бўлиналари ташкил этилди. Буни энгил кўчмаганини жуда яхши биласиз. Милиция тузул-қурул шароитида ишлаш учун бино танлаш, штат, улов масалаларини ҳал этиш керак эди. Шунинг айтиб ўтиш кераки, яқин-яқингача туман прокуратураси ва суди мослашмаган бинода жойлашганди. Иккимияларни ишга солиб, маблаг топиш ва муаммо ечилиди. Бугун жумҳуриятда бирорта туман суди бундай ўзига мос бинога кўчиб кирамаган бўлса керак, деб ўйлайман. Прокуратура ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Милиция бўлиналари га танланган биноларга ҳам қаттиқ талаблар қўйилди.

Албатта, бир кунда ҳамма нарсани муҳайё этиб бўлмайди. Бунга 3 йил вақтимиз кетди. Бироқ елкамиздаги юкни биров кўтаришмаслиги ҳам аниқ. Умуман олганда мен шаҳар қурилиши тартибига айрим ўзгаришлар киритиш тарафдориман. Жумладан турар-жой даҳаларида дўкон, дорихона, мактаб қуриш билан бирга милиция бўлиналари, жамоат тартибини сақлаш пунктлари биноларини тиклаш зарур. Ўйлайманки, бу ҳақда ички ишлар вазирлиги ўз таклифини киритиш керак.

Ҳозирча эса қурилишга қўйилган режаларда бу кўзда тутилмаган. Назаримда 20-30 минг аҳоли яшайдиган турар-жой даҳасини лойиҳалаштириш чоғида милиция бўлиналари жойлашадиган бинолар қурилиши режадан тушиб қолмаслиги шарт. Уларнинг кечасию кундузи ишлаши туман аҳолиси кўнглидаги гулгулани йўқотувчи асосий омиллардан биридир.

Мана картага қаранг-а, туман ҳудуди «Пахтакор» ўйингоҳидан Калинин тумани марказига қадар бўзилиб кетган. Марказда жойлашган туман ИВ ҳодиса жойига ўз вақтида етиб бориш имкониятига эгами? Агар хоҳиш зўр бўлган тақдирда ҳам, қийин. Масаланинг иккинчи томони бор.

(Давоми 3-бетда).



ЖУМЎУРИЯТГА ХИЗМАТ ҚИЛИШАДИ

Яқингинада бу йигитлар тамоман бошқача эдилар. Унда улар ҳали аскарлик, ҳарбий тартиб-интизом нималигини тушунмасдилар. Уларнинг бўлажак ҳарбийлар эканлигини сафини бошқариб бораётган зобитлардангина билиб олса бўларди.

Улар эса Жумҳурият Президентининг қарорига кўра ўтган йилнинг кузига ташкил қилинган биринчи ҳарбий тузилманинг аскарлари эдилар. Мана орадан қисқа вақт ўтиб, кечаги мактаб ўқувчилари елкасига «ВВ» погонларини таққан ички кўшин аскарларига айланишди.

Аммо баъзиларининг қийинчиликларга, ҳарбий талабларга чидамай қисмдан кетган пайтлари ҳам бўлди. Ўзбекистон замининда туғилиб, воляга етган эл ўғлонларига ўз жумҳуриятининг манфаатлари қадри эмасмиди? Шундай юксак ишонч билдирган юртнинг гуллаб-яшнашини хоҳламасмиди? Бундан ташқари ҳарбий хизматдан бўйин товлаш эркак кишининг, Ватан фукаросининг иши эмас. Буни ҳис қилган йигитлар хизмат камарини маҳкам боғлашди.

Яқинда улар ёш жангчиларнинг ўқув дастурларини тугатиб, Ҳарбий Қасамёдин қабул этишди. Жумҳуриятга, унинг Қурулли Кучларига садоқат билан хизмат қилишга



Майор А. ЕСЬКОВ.

СУРАТЛАРДА: Ватан аскарларининг хизматларида лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ЯҚДИЛЛИК БОР ЖОЙДА ЎҒРИГА НОН ЙЎҚ

Жиноятчилик билан курашда озғибирчилик бўлса, албатта, ўз самарасини бермай қўймайди. Бу ўтмишда кўп бор синалган. Халқимизнинг озғибирчилигини кўриб, хурсанд бўласан киши.

Маълумки, ўғрилик барчани ташвишга солган. У билан бир ёқадан бош чиқариб курашиш зарур. Мазкур ҳаётини эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда жойларда соқчилик ташкил қилинаётгани қувонарлидир.

Яқинда Урганч шаҳридаги Хонқа кўчасининг 54, 56, 58, 60-ва Лев Толстой кўчасининг 11-уйлари аҳолиси вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари иштироки

да шу масалага бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларидан Б. Машарипов, У. Искандаров, участка инспектори Б. Матчиновлар сўз олиб, ҳозирги кунда жиноятчиликнинг кўпайиб бораётгани ва унга қарши кураш чоралари ҳақида гапирдилар. Энг самарали усуллардан бири соқчиликни йўлга қўйиш эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, бу масала юзасидан фикрини билдирган маҳалла кўмитаси раиси ўринбосари Ҳайитбой Эшметов маҳаллада пуллик соқчилик тузишни таклиф қилди. Янгиликни барча бир овоздан

маъқуллади. Ҳар бир хонадондан 10 сўмдан йиғиш ва жамғарилган пулни соқчиларга мўна қилиб беришга келишиб олинди.

— Маҳалламизда 40 та оила бўлиб, 400 сўм тўплаш мумкин экан. Бундан ташқари ҳар бир уйдан бир киши навбат билан кечқурунлари соқчиларга кўмаклашади, — дейди маҳалла кўмитаси раиси А. Йўлдошев биз билан суҳбатда.

Йиғилишда соқчиликни шу маҳаллада яшовчи Аминбой Худойбергенов ва Ҳамро Раҳимовларга ишониб топширишди.

Соқчилик ташкил қилишга бағишланган йиғилишлар шаҳардаги Коммунистик кўчасининг 13, 15, 17-и, Шевченко кўчасининг 1-и, Шолохов кўчасининг 32-уйларида ҳам бўлиб ўтди.

Мухиддин НАВРУЗЎЛИЕВ, Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ходими.

ШУНДАЙ ХИЗМАТ БОР

— Келинг, дастлаб ҳарбий прокуратуранинг вазифалари, ташкилий тузилиши, кимга тобелиги ҳақида гап юритсак. Зеро, иттифоқ барҳам топиши муносабати билан кейинги вақтда жиддий ўзгаришлар юз бергандир?

— Вазифалар бояғидай ўша-ўша. Ҳарбий прокуратура ўзининг фаолиятини Қуролли Кучларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни ҳар томонлама мустаҳкамлашга йўналтирган. Унинг зиммасига жанговар тайёр-гарликни ҳар қандай тажовузлардан асраш, ҳарбий интизомга ва ҳарбий хизмат ўталиши тартибига доғ туширишнинг олдини олиш юклатилган. Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчилари ҳуқуқи ва эркини ҳимоя қилиш ҳам ҳарбий прокуратура ишининг ажралмас, таркибий қисмидир.

Бу вазифалар қонун ва ҳарбий низомининг бир хилда, тўғри қўлланиши устидан барча йўналишлар бўйича прокурор назорати ўрнатиш йўли билан амалга оширилади. Прокурорлар ким томонидан содир этилган бўлишига қарамасдан ҳар қандай ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва уни бартараф этиш, айбдорларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, зарурат туғилганда адолатни тиклаш чораларини кўрадилар.

Ҳозирги пайтда ҳарбий прокуратура Ўзбекистон Жумҳурияти Бош прокурорига бўйсунмоқда. Ҳарбий прокурор бошчилик қиладиган жумҳурият прокуратураси бўлаги тузиш мақсадида у жадал равишда қайта тузилиш жараёнини кечирмоқда. Жойлардаги бизга қарашли мавжуд тизимлар сақланиб қолди, штатларни кўпайтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

— Ўзингиз бошқараётган бўлак ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Қисқача айтиладиган бўлсам, жумҳуриятдаги энг йирик гарнизонга хизмат кўрсатамиз. Ўн бешта ходим бор. Жамоамизда ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Ходимларимизнинг ўртача ёши ўттизга. Шунга қарамасдан иш бошимиздан ошиб ётгани учун бизга осон эмас.

— Бугуннинг ташвишлари ҳақида сўз юритсак. Ҳарбий прокуратура нима билан банд, унинг фаолиятида қандай қирралар бўриб туради?


— Ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳоллари учраб тургани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ҳолбуки, атиги бир неча йил бурун Ўзбекистонда армияда хизмат қилиш ўзини ҳурмат қилган ҳар бир йигит учун ор-номус ҳисобланарди. Қолганини қўяверинг-у, бўлажак кўёв армия тузини тотмаган бўлса, қаллиқдан ажраб қолиши ҳеч гап эмасди. Бугунчи? Кўпчиликка Ўзбекистон ҳудудида хизматни ўташ имконияти берилаётганига қарамасдан интизом ниҳоятда оқсамоқда. Ўртоғининг тўйига берухсат жўнаб кетишни аскарлар айб ҳисоблашмайди, қариндош-уруғлари ҳам бонг уришмайди, аксинча бундай интизомбузарларни иложи борида яширишга уринишади. Бедарак кетган аскарни хизматдошлари, ҳарбий прокуратура, ички ишлар идоралари ходимлари қидиришади. «Азамат» эса қўлини совуқ сувга урмасдан ҳузур-ҳаловатда вақтни ўтказаверади.

Тўғри, баъзан бундай ҳолларга армиядаги низомида кўрсатилмаган ўзаро муносабатлар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Лекин «оқсоқолчилик» кўринишлари тобора камаймоқда. Шуниси ажабланарлики, ҳеч қандай бебошлик учратилмаган ва бўлмайдиган намунали қисмларда ҳам хизматдан бош тортишмоқда. Демак, гап армияда эмас.

Мисол учун гарнизонимиздаги ҳарбий қисмлардан бирида юз берган воқеани олайлик. Д. исмли ҳарбий хизматчи Я. исмли ўзининг хизматдошини бесоқолбозликка ундайди. Улар бир чақириқнинг аскарлари бў-

фойдаланиб, «ПМ» тўппончасини ўмарган. Уни Тошкентга олиб келиб, қариндошининг уйига яшириб қўйган. Орадан кўп ўтмай қурол ўғриси фош бўлди. У мақсадини яхши ниятда амалга оширилганини таъкидлашга уринсада, ҳатти-ҳаракатида жиноят аломати борлигига шак-шубҳа йўқ.

Ўзбекистон ИИБ ички қўшинлари қисмларида қурол сақлаш ва ҳисоб-китоби аҳволи кишини ташвишлантиради. Яқинда Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий бўлинмалардан бирида отиш бўйича ўқув машқи ўтказилгач, «Калашников» автомати йўқолди.



«СИЗНИ ТИНГЛАШГА ВА ЗАРУР ЁРДАМ КЎРСАТИШГА ҲАМИША ТАЙЁРМИЗ»

БУ ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРАСИ
ХОДИМЛАРИ АМАЛ ҚИЛИБ КЕЛАЕТГАН ТАРТИБ-ҚОИДА

Авваламбор рўзномасеварга: «Ҳарбий прокуратура ҳақида нима биласиз?» — деган савол билан мурожаат қилсак. Ишончимиз комилки, бу сўзқурилиши кўпчиликка аниқ бир тушунчани ифодалаши мушкул. Барча давлат қурилмалари каби оғир кунларни бошидан кечириётган армияга боғлиқлиги ҳис қилиниши ҳисоб-

лишган. Шундай қилиб Д. олдин дўқ-пўписа урган, кейин кучига ишониб, қўлга тасма олганда, ўзича заиф ҳисоблаган Я. ни бўға бошлаган. Жон-жаҳди билан ҳимояланган Я. ўта чуқур ҳаяжонда тасмани тортиб олиб, зўравонни бўғиб қўйган. Тергов кетяпти.

Қисмларда янги келганларнинг ота-оналарини тез-тез кўришни хоҳлардик. Бу уларга хизматни ўташдаги қийинчиликларни енгиларида, интизомли бўлишларида катта ёрдам берарди. Агарда жойлардаги командирлар низомига ҳилоф ўзаро муносабатларга кўз юмиб қарашаётган бўлсалар, ёш аскарлар ўз ҳуқуқларининг ишончли ҳимоячиси — ҳарбий прокуратурага мурожаат қилишлари мумкин. Бу ерда уларни тинглашга ва зарур ёрдам кўрсатишга ҳамиша тайёр ходимлар бор. Телефонларимиз: 56-32-40, 56-34-47, 56-15-42.

— Қурол-яроғ ва ўқ-дорини ўғрилиги ҳақида гап-сўзлар кўпайиб қолди. Тошкент гарнизонида бу борада аҳвол қандай?

— Ишонч билан шуни айтманки, собиқ иттифоқнинг Европа қисми ва Кавказортига қараганда бизда нисбатан аҳвол яхши. Ўғриликлар унча кўп эмас. Ўтган йил ҳарбий қисмларга салкам қирқта қурол қайтарилди. Бу йил иккита. Ўғрилиқ қурол «иссиғи»да топилди. Совуққонлик, интизомсизлик ва ҳарбий низоми тўғридан-тўғри бузиш натижасида бундай фавқулодда ҳодисалар рўй бермоқда. Мана, янги бир мисол. Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий бўлинмалардан бирида навбатчиликка тушаётган зобит топшираётган зобитнинг бепарволигидан

га олинмаса. Ҳуқуқ-тартибот идоралари таркибида ҳарбий прокуратура тутган ўринни ва унинг олдида турган муаммолар кўламини аниқлаш мақсадида махсус мухбиримиз Александр ВОРГУДЯЕВ Тошкент гарнизони ҳарбий прокурори адлия подполковниги О. ГАЛЛЯМОВ билан суҳбат қурди.

йигитни ҳаётга қайтариш имконияти туғилди. Ўзини олдинда қаттиқ жазо кутаётганлигига қарамасдан ҳалокат лабидан қайтарганларга миннатдорчилик билдирмоқда.

— Биз яшаётган вақт долғали эканлиги билан ажралиб турибди. Шунинг учун ҳарбий прокуратуранинг эртаси қандай бўлади?

— Ҳарбий прокуратура идоралари жиддий ўзгаришларга муҳтож. Ахир, бугун бизнинг ходимларимиз оператив-қидирув, тергов ва прокурор вазифаларини «қўшиб» олиб боришмоқда. «Омихта» фаолият фақат ишнинг белги тепмоқда. Бир неча йиллардан бери гапириб келинаётган, лекин амалга ошмаётган ҳарбий милицияни айтиш тузиш пайти. У ички ишлар идоралари каби ДАН, ЖҚБ ва ИЖК бўлаклари билан кучайтирилса, оператив даражадаги хизмат вазифаларини бажаришга қодир бўларди. Ходимларни ИИБ ўқув юртларида тайёрлаш мумкин. Бу масаланинг ижобий ҳал этилиши кўп жиҳатдан жумҳурият прокуратурасига ва мудофаа ишлари бўйича вазирлигига боғлиқ. Ҳарбий милиция тузилишини суриштирув ишларининг ўта қониқарсизлиги ҳам тақозо қилмоқда. Ҳозир у билан ҳеч қандай ҳуқуқий тайёргарликка эга бўлмаган қисм ва бўлаклар командирлари машғулдирлар.

Албатта, бу маълум ҳаракатлар сарфланишига олиб келади. Лекин ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳисобига тежамкорлик оқибати оғир тугаши ҳам сир эмас.

Туи. Соат миллари уч яримни кўрсатиб турибди. Жимликни «Бонг»нинг ваҳимали овози бузади. Марказлашган соқчилик пултининг навбатчи-оператори бу ҳақда дарҳол қўлга олиш гуруҳига хабар қилади. Гуруҳ зудлик билан автомашинага ўтириб, воқеа жойига жўнаб кетади. Балки шунинг учун ҳам бу хизматни халқ «туғи милиция» деб аташа керак...

ИИБ қошидаги «Қуриқлаш» бирлашмаси бўлими бошлиғи ўринбосари милиция майори А. И. ЖАЛКИН қўриқчи милиционерларнинг машаққатли хизмати ҳақида ҳикоя қилади.

— Ҳар бир марказлашган соқчилик пултида қўлга олиш гуруҳи жанговар навбатчиликда туради. Бу гуруҳ бўлинмаларимизнинг етакчи кучи ҳисобланиб, асосий вазифаси хабар келган жойга вақтида етиб боришдан, ўғри ёки босқинчини тутиш ва қуролсизлантиришдан иборат. Ҳар бир гуруҳ ўзига тегишли ҳудудда бўлади ва доимо пулт навбатчиси билан алоқа боғлаб туради. Худди шунинг учун ҳам улар воқеа жойида зум ўтмай ҳозир бўлишади. Тажрибали кўрсатадиган, қўлга олиш гуруҳи ҳодисадан хабар топгач, жойга 3-4 минут ичида етиб боради.

— Бундай воқеалар тез-тез учраб турадими?

— Ҳар қолда кам эмас. Сизга яқингинада учратилган бир ҳодисани айтиб берай. Саҳарга яқин Зарафшон шаҳар ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими МСПга қўриқланадиган объект — «Универсам» дўконидан «Бонг» хабари тушди. Қўлга олиш гуруҳи аъзолари дўконга киришадиган, атрофни кўздан кечириша бошлади. Милиционер М. Рустамовга тўсатдан номаълум кимса қўлида ўтқир нарсаси билан ҳужум қилади. Милиционер қурол қўллашга мажбур бўлади...

— Жумҳурият ички ишлар идораларининг жиноятчилик билан олиб бораётган курашида бирлашма ходимларининг ҳиссаси қандай бўлмоқда?

— Биргина ўтган йилнинг ўзида милиция томонидан қўриқланаётган объектларда 467 киши ушланган. Улар ўзларининг асосий вазифаларини бажариш билан бир қаторда жиноятчилик билан курашда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ўтган йил ходимларимизнинг ҳаракатлари натижасида 1177 та жиноят очилди, 1475 қонунбузар ушланди. Яна шуни айтиш керакки, кўплаб аҳоли яшаш жойларида туғи вақтларда жамоат тартибини таъминлаб турувчи ягона куч бизнинг нарядларимиздир. Шунга қарамасдан асосий вазифамиз — қўриқланаётган объектда ўғрилиқ бўлмаслигини таъминлаш.

— Александр Иванович, гапларингизга қараганда, сизларда ҳаммаси яхши, сип-силлиқдай. Муаммо йўқми?

— Давлат, жамоат ва шахсий мулкни қўриқлаш учун бизнинг хизмат бундан 40 йил бурун ташкил қилинган эди. Худди шунинг учун ҳам замонавий техника билан таъминланган. Тўғри бизга ҳали кўп нарсаси етишмайди, лекин бу ҳаммаси ечиладиган муаммолар.

Милиция майори Элшод РАҲМАТОВ суҳбатлашди.

... Суд давом этмоқда. Қора курсида уч нафар тоғни урса, талқон қилгудек алп қомат йигит бошини куйи солиб ўтирибди. Улар босқинчилик ҳамда номусга тажовуз этишда айбланмоқда. Хўш, йигитлар бу қабих ишга нега қўл урдилар? Уларни тўғри йўлдан оздириб, эгри кўчага бошлаган нарсанима ўзи?

Жиноят билан батафсил танишишдан олдин судланувчилар шахсига мурожаат қилайлик.

Раҳимжон Абдукаримов, 1968 йили Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилган, миллиати ўзбек. Тошкент қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳининг талабаси. Муқаддам судланмаган.

Равшанбек Бургут, 1967 йили Боёвут туманида туғилган, миллиати ўзбек. Маълумоти ўрта. Боёвут туманидаги геология экспедициясида оддий ишчи. Муқаддам судланмаган.

Алишер Файзуллаев, 1968 йили Гулистон туманида туғилган. «Баҳор» давлат хўжалигида яшайди. Комсомол тумани матлубот жамиятига қарашли 9-савдо дўконда сотувчи бўлиб ишлайди. Илгари судланмаган.

... Уша кун, яъни 1991 йилнинг 12 июнга ўтар кечаси уч оғайнинг кайфияти чоғ эди. Кўпдан бери дийдор кўришмаган дўстлар тўй баҳона учрашди. Базм дастурхонига спиртли ичимликлар кетма-кет тортилди.

Тўй поёнига етгач, ярим тунда чайқалиб йўлга чиқди. Раҳимжон Пиллакор кўргони томон юрар экан, шерикларига: «Ҳозир бир жойга борсак, нима дейсизлар?» — деб қолди.

— Қаерга бошламоқчисан,

бўл, бор пулингни олиб чиқ, кейин кетамиз. Бўлмаса билганимизни қиламиз», — дея дўқ-пўписа қила бошлади. Улардан кўрқа-писа йиққан 1700 сўм пулимни олиб чиқиб бердим. Аммо улар пулни олишгач ҳам кетишмади. Охири уйда ухлаб ётган меҳмон Бойзоқ ака Усмоновни чақириб чиқдим.

СОЯСИНИ СУЛТОНГА БОСТИРМАГАНЛАР

шахсан мен йўқ демайман, — деди мастликдан тили зўрға айланаркан Р. Бургут. — Қани, биродарлар кетдик. Йигитлар Пиллакор кўргонида яшовчи Х. Холиқова хонадони олдида тўхтадилар. Сўнгра эшикни қаттиқ уриб, тақиллата бошлашди.

— Ушанда вақт алламаҳал бўлиб қолган, қаттиқ уйкуда эдим, — дейди судда кўзида жиққа ёши билан жабрланувчи Х. Холиқова. — Босқинчиларнинг маст-аласт бақиршларидан, эшикни зарб билан уриб тегишларидан чўчиб уйғондим. Тирқишдан мўралаб: «Сизларга нима керак?» — дедим. Улар қий-қириб кулишиб, қўллари билан хунук ишоралар қилишди. Р.Абдукаримов эса: «Тез

— Уйғониб ташқарига чиқдим ва беаҳал ташриф бурюрган «меҳмон»ларни ҳайдаб юбормоқчи бўлдим, — дея кўргазма берди гувоҳ. Б. Усмонов. — Аммо улардан Равшанбек дегани: «Эй, сен ҳам шу ердამисан, ифлос», — дея ҳақорат қилди. Унга яқинроқ бораётган эдим, Раҳимжон Абдукаримов юзига зарб билан бир мушт туширди ва шаънимга бўлмағур сўз айтди. Ароққа тўйиб олган бу зўравонларга бас келолмаслигини сезгач, ортага чекинишга мажбур бўлдим. Шундан сўнг улар... инсонийлигини йўқотган кимсалар эшикни бузиб, ичкарига кирдилар. Х. Холиқова қанчалик қаршилик кўрсатмасин, қанчалик дод-фарёд кў-

тармасин, босқинчиларга бас келолмади. Палидлар аёлни обдон таҳқирлаб, ҳайвоний ҳирсларини қондириб олишди.

Зўравонлар қўлида орномуси поймол этилган жабрланувчи оғизда шу кунгидек ҳимоса истаб, қонун посбонларига мурожаат қилди. Жиноятга қўл уриб, ҳеч нима кўрмагандек бўлиб юрган «уч оғайни ботир»лар жазодан қочиб қутула олмадилар. Комсомол тумани ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлими хондимиляри кўп ўтмай уларни ҳибсга олдилар. Босқинчилар устидан жиноий иш кўзғатилди. Тўғри улар тергов бошида қинғир ишларини тан олдилари келмади. Қаёқдаги гаплар ва баҳоналар билан ишни чигаллаштирмоқчи бўлдилар. Аммо рад этиб бўлмайдиган далил-ашёлар, суд-тиббий кўригининг ҳулосаси уларнинг кўзини очиб қўйди.

Суд мажлиси давомида эса соясини султонга ҳам бостирмай юрган бу «ботир»лар қўйдек ювош тортиб, ҳокимсор кимсаларга айландиқолди. Зўр бериб жазодан қутулишга, сувдан қуруқчиқашга уриндилар. Аммо жиноят жазосиз қолмас экан. Комсомол тумани халқ суди уларнинг ҳар бирини жумҳурият жиноят мажмуасининг 126-моддаси II-қисми ва 94-моддаси III-қисми билан айблаб, олти йилу олти ойга озодликдан маҳрум этди.

Анорбой НОРҚУЛОВ.



Жиноят ва жазо. Қадим қадимдан ҳар иккиси ёнма-ён юради. Бозори ва муттаҳамларнинг содир этган турли кўринишдаги жиноятларига жазо бериш тажрибали қозлар ҳукмига ҳавола. Аммо жиноий иш улар қўлига етиб боргунча қилни қирқ ёрадиган терговчилар кўп азият чекадилар.

СУРАТДА: Октябрь тумани ИИБ катта терговчилари (чапдан) милиция капитани Омон Салаев ва милиция катта лейтенанти Ҳотам Ёқубов навбатдаги жиноий иш билан танишмоқдалар. Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ЭРТАЛИК КУНГА ИШОНЧ БЎЛСИН

(Боши 1-бетда).

Наҳотки, фуқаро ҳар бир арзимас майда-чуйда билан ИИБга мурожаат этиши керак? Мана шу сабаблар туфайли, шунингдек, жамоат тартибини сақлашнинг самарали тажрибаларига таянган ҳолда биз милиция бўлимлари тузишга қарор қилдик. Маблағ қидириб тегишнинг ўзи бўлмади, аммо топдик. Туманни ривожлантириш жамғармасидан, жарималардан, шунингдек, туман бюджетидан пул ажратдик. Бу йил милиция эҳтиёжларига 5-6 миллион сўм сарфламоқчимиз.

[Маълумот: Чилонзор ҳокимияти маблағи ҳисобига 132 нафар милиция ходими, шу жумладан 65 кишидан иборат посбонлик-соқчилик хизмати рота, 29 нафар участка вакили, ДАН взводи жамоат тартибини сақламоқда].

— Маълумки, туманни ривожлантириш жамғармаси корхоналар ва ташкилотлар маблағидан чегирини эвазига ташкил топади. Бир қисм маблағ милицияга ажратилаётгани учун англашилмовчилар рўй бермайдими?

— Боя айтиб ўтганимдай, осон йўлнинг ўзи йўқ. Очиғини тан олиш керак, агар тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари тегишли равишда қўллаб-қувватлашмаганда, бирор бир нарсани қилишимиз қийин эди.

[Маълумот: 1991 йилда Чилонзор тумани ИИБ хондимиляри учун 27 та хонадон, шу жумладан 22 та хизмат хонадони ажратилди. Ҳоким фармойиши билан энг оғир жиноятларни очган 24 нафар ходим 250 сўмдан 1000 сўмгача пул мукофоти билан тақдирланди. Шу йил февралда эса туман ҳудудда бир қанча қабих жиноят содир этган баттолли тутишда фаол иштирок этган жиноят қидирув операвикили милиция лейтенанти Валерий Пашков хорижий видеомагнитофон билан мукофотланди. Ҳоким ташаббуси ва бе-

восита иштироки билан туман ИИБ ва «Юнитекс Интернешнл» совет-ҳинд корхонаси ўртасида шартнома имзоланди. Корхона ўз товарлари реклама қилингани ва бошқа хизматлар эвазига ИИБга автомашиналар берди, иккита компьютер дастури, шу жумладан фоторобот ишлаб берди. Компьютерлар олиш ҳам мўлжалланмоқда].

— Бир-икки йил бурун жамоат тартибини сақлашга маълум даражада ҳисса қўшган милицияга кўмаклашувчи ишчи отрядлари ҳамма жойда тузилганди. Афсуски, молиявий қийинчиликлар туфайли улар фақат Чилонзор ва Ленин туманларида ҳамон фаолият кўрсатишмоқда. Қачонгача...

— Ишчи отрядлари тартибини сақлашда катта куч. Улар келажакда қанчалик керак эканлигини эса вақт кўрсатади. Ҳозирча улар ўзини оқлаяпти. Биринчидан бу милиция учун жуда яхши ўринбосар. Шуниси борки, милицияга янги ходим топиш ва танлаш узоқ вақтнинг олади. Отряд эса номзодни аниқлашда синаб кўриш имкониятини беради, бўлгуси милиционер ҳам қандай касбни танлаётганини ҳис қилади. Иккинчидан тумандаги ҳеч бир маданий-оммавий тадбир отряд иштирокисиз ўтмайди. Уларнинг сони бор, саногини йўқ, чунки туманимизда Халқлар Дўстлиги киноконцерт саройи, «Ўзбекфильм» киностудияси, яқинда кунлари оёқ қўйгани жой топилайдиган Отчопар бор.

Аксинча биз кўнгилли халқ мишқаблари бирлашувини тузишга киришдик. Қандай қилиб? Корхона тўлаган маълум миқдордаги пул эвазига кечқурунлари жамоат тартибини сақлашда иштирок этишга розилик билдирган кишиларни танлаб оламиз. Ҳозирнинг ўзида ўнлаб корхоналар билан келишимди.

— Олдики Жўраевич, милиция фаолиятига янгича ўзгаришлар киритишга уринаётганингиз сезилмоқда...

— Биласизми, унинг замирида аниқ мақсад ётибди.

Масалан, биз паспортчиларни туман ИИБга кўчириб келдик. Авваламбор ҳужжатларни тайёрлаш жонланди, турар-жой жамғармасидан фойдаланишни назоратлаш кучайди. Вақти-соати билан барча милиция бўлимларида паспорт столи ташкил этилди. Ишончим комилки, турар-жой жамғармасини назоратда тутиш яхшиланади, туман аҳолиси турар-жойдан фойдаланиш идоралари ва милицияга қатнаб, вақт йўқотишдан қутулишади. Эшиклардаги: «Милицияга кетдим, кейинроқ бўламан», — дейилган эълонларга ҳам ҳожат қолмайди.

Ёки бошқа томонни олиб қарайлик. Ҳокимият қошида маъмурий-ҳуқуқий бўлим зарур, деган ҳулосага келинди. Нега биз уни туздик? Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ҳаракат қилаётган барча кучларни мувофиқлаштириш учун. Дарвоқе, кўнгилли халқ мишқаблари (НХМ) билан ҳам айна шу бўлим шуғулланади.

Туман ҳокимияти оғир иқтисодий кунлар келган вақтда бор кучини жамоат тартибини сақлашга, жиноятчилик билан курашга сарфлашни лозим топди. Вазифамиз оддий ва зарур: туман фуқаролари беҳавотир меҳнат қилишсин, дам олишсин, хуллас, эртаклик кунга ишонч билан яшашсин.

[Маълумот: 1991 йилда рўйхатга олинган жиноятчилик 1990 йилга нисбатан 11 фоизга қисқарди. Бу юқубий кўрсаткич 1992 йилда ҳам сақланиб турибди].

— Муҳтарам ҳоким, суҳбат учун катта раҳмат. Сизга қутлуғ Наврўз айёми арафасида энг эзгу тилакларни билдириш билан бир қаторда ажойиб ташаббусларингизга муваффақият ёр бўлишига тилакдошимиз.

— Ташаккур. Ўз навбатида эл тинчлиги йўлида оромидан, ҳузур-ҳаловатидан воз кечаётган ички ишлар идоралари ходимларини, «Постда» рўзномаси муҳлисларини яқинлашиб қолган Янги Йилимиз билан муборакбод этаман.

ТУМАН ТАШВИШЛАРИ

Хўжаобод—Андижон вилоятининг энг гўзал, энг машҳур туманларидан. Одамлари бир-бирдан мулойим, ювош ва андишали. Аммо иқтисодий-сиёсий тангликлар сабабми, бу ерда ҳам кейинги пайлар куппа-кундузи ўғриликлар, таълончиликлар содир этилмоқда. Хўжаобод тумани ички ишлар бўлими ходимлари оёғи куйган товукдек тирпилаб қолишяпти. Ҳар ҳолда юрт осойишталигига, одамлар ризқининг бутлигига бир чекидан масъул бўлгандан кейин қийин-да.

Мана, ўтган кунларнинг биринида Хўжаобод шаҳар Навой кўчасида яшовчи Жўрабой Қурбоннинг ҳовлисида ўғри тушди. У ердаги «ЗА-968» белгили автоуловнинг уч донга филдираги гум қилинди. Лекин тегишли маълумотларни олгач, туман ички ишлар бўлими ходимлари томошабин бўлиб туришмади. Диққат-этибор билан ишга киришилди ва Манак қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган йигирма тўрт ёшли саёқ Нурбек Жалолбоевни қўлга олишди. У чиндан ҳам филдиракларни ўғрилаб кетганини тан олди.

Бироқ Хўжаобод тумани ички ишлар бўлими ходимларининг ташвишлари қамайиб, оёқларини узатиб яйрашолмади. Чунки туманда турли хил майда-катта жиноятлар кун сайин ошиб бормоқда эди.

Филдирак ўғриси фаш қилинган ўша кунгидек «Победа» жамоа хўжалигининг қўрасидан саккиз бош қўй ўғрилаб кетилганлиги ҳақида хабар етиб келди. ИИБ оператив қидирув гуруҳи яна ташвишларга кўмилиб кетди. Бир неча муддат зийраклик билан иш олиб борилгач, Имомота қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ҳосил Ҳамидовнинг изига тушишди.

Юқорида қайд этилган ва бошқа кўпгина жиноятларни очишда Хўжаобод ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори Саидқабир Акромовнинг, жиноят қидирув бўлимининг катта оператив вакили милиция капитани Муҳаммадмурзқўл Турғуновнинг маҳорати фоят қўл келди. Шунингдек, жиноят қидирув оператив вакили милиция лейтенанти Зокиржон Собиров, терговчи милиция катта лейтенанти Исомиддин Абдурахимов, участка инспектори милиция лейтенанти Давронбек Ғозиев ва бошқа кўпгина жонқуяр ходимлар астойдил хизмат қилишди.

Б. ЛУҚМОНОВ.

ХУШМУОМАЛАЛИК

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Гуландом» кўпмолли дўкони олдида савдо қизғини. У. Султонов қўли-қўлига тегмай тухум сотаяпти. Аммо ҳисоб-китобга ҳам «уста» эканда. Харидор У. Ёрмуҳамедовнинг 5 сўму 10 тишинини жилмайганча шилиб олди.

М. ҲАКИМОВ.

ГАП БУ ЁҚДА ЭКАН

Дилшод ишни ёмон кўради. Аммо ишхонасини бирам яхши кўради. Бунақаси бўлмаган. Агарда бўлганида, 1991 йилнинг 11 декабрида вазифасидан озод қилинишига қарамай 1992 йилнинг 6 январигача дил риштасини уза олмаётган тикув ишлаб чиқариш бирлашмасига келаверармиди?

6 январь кунини у ҳаргалгидек яна ишхонасига борди. Бекорчи эмасми,

қизларга тегажоглик қила бошлади. Шилқимлиги сурбетликка ўтди. Қизларнинг арз-доди маъмуриятни ИИБга сим қоқишга мажбур этди. Бозори Қарши шаҳар ИИБга келтирилиб, тинтув қилинганида, пой-афзали ичидан 6 грамм наша топилди.

Дилшоднинг бетини қотирган таряк уни жазодан олиб қололмади.

Нур БАДИЯ.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Шаҳар кўчаларида, катта йўللarda дарёдай тошиб, дарёдай шошиб ўтаётган автоулов оқими беихтиёр киши ҳаёлларини олиб қочади.

Қадимда от-аравалардан фойдаланган инсоният бугун ҳайратомуз техник уловлар жиловини қўлга олди. Қайсики, узоқни яқин, оғирни енгил қилишди. Аммо инсон ҳаёти турли-туман фалокатларга, хавф-хатарларга тўлиб тошди. Хусусан, жумҳуриятимиз ички ишлар вазирлиги ДАН бошқармасига келиб турган, ўша мудҳиш қирқ биринчи йилнинг жанггоҳларини эслатувчи, бир-биридан даҳшатли ва ваҳима-ли хабарлар юракларни ларзага келтиради:


«Фалон нафар киши ўлди, фалонтаси ярадор бўлди».

Йўқ, бу дилларни ларзага соладиган хабарлар аллақандай жанггоҳлардан йўлланмаган. Балки ДАНнинг жойлардаги бўлим-ларидан юборилган, холос. Киши баданини жунжиқтирувчи қонли воқеаларнинг бош сабаби эса йўл-улов ҳодисаларидир. Бу жумла айтилишга осон, лекин унинг оғир оқибатлари не-не оила-ларнинг ҳаётида, не-не кўнгилларда битмас жароҳат қолдиради.

Олинган расмий маълумотларга кўра, ўтган йили жумҳуриятимиз йўлларида 18267 фалокат рўй берган. Уларда 3188 киши ҳалок бўлган ва 19740 дан зиёд одам оғир яраланган.

Ҳаёт билан бевақт видолашганларнинг 750 нафари болалардир. Агар қарийб ўн йилдан ортиқ қўшни Афғонистон тупроғида давом этган қонли уруш чоғи собиқ иттифоқнинг 15 мингдан зиёд нафари аскар жувонмарг кетганини эсласак, жумҳуриятимиз йўлларида рўй бераётган кулфат ҳар қандай ўн йиллик урушдан ўн марта хавфлироқ ва даҳшатлироқ эканлигини англаб етамиз.

Хўш, бу қон қақшатаётган кўргуликларнинг ўқ илдири қаерда? Наҳотки барчасига жиловни инсон қўлида бўлган техника айбдор?! Йўқ. Агар биз худди шундай хулосага кел-



МУФТИЙ ҲАЗРАТЛАРИ ҲУЗУРИДА

сак, жонсиз темирлар жонланиб, гиппа гарданимиздан олиши, қилинган тўхмат учун Ҳақ олдида аёвсиз жазоланишимиз мумкин.

Ҳаммасига одамзод айбдор. Унинг кўзни тиндириб, бошига айлантирадиган ичкиликка ойна нафс балоси, қонун-қоидаларни назар-писанд қилмайдиган такаббур ва мақтанчоқ феъл-атвори айбдор.

Йўлларда содир бўлаётган фалокатларнинг каттагина қисми ичкиликбозлик оқибатидандир. Шайтонни латин нафаси теккан, буткул залолатга бошлайдиган бу «оқ оғу»дан одамларни қай йўсин қутқариш мумкин? Ахир, жилд-жилд битилган қонунлар, ҳукмлар, фармонлар ҳеч бир наф бермаяпти-ку?

Худди шу масалаларда суҳбатлашиб, юракларни ёзиб олиш учун ИИБ ДАН бошқармасининг бошлиғи милиция подполковниги Юсуф Мақсудхўжаев ва мазкур бошқарма тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи милиция майори Анвар Сулаймонхўжаев яқинда Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳузурида бўлишди.

Ўзаро мулоқот чоғида муфтий ҳазратлари йўл-

улов ҳодисалари билан боғлиқ муаммолар барча куйинчақ фуқаролар қатори жумҳуриятимиз мусулмонларини, хусусан, Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасини ҳам қаттиқ ташвишлантираётганини, айниқса, фалокатларнинг асосий сабаби — мусулмончиликка буткул ёт бўлган ичкилик-бозлик эканлигидан қаттиқ ғазабга келишяётганини алоҳида-алоҳида таъкидлаб ўтишди ва Ўзбекистон телевидениесига ташкил этилган «Маърифатнома» кўрсатувининг навбатдаги сонларидан бирини худди шу масалага бағишлашни лутфан изҳор этдилар. Шунингдек, кўп-кўп мусулмонлар йиғилдиган Жума ва Ҳайит намозларида ҳам худди шу масалалар юзасидан ваъзалар бўлишини қайд қилишди.

Учрашув гоят самимий ва илиқ муносабатда ўтди.

Баҳодир ЭГАМБЕРДИЕВ,
ИИБ ДАНБ ходими.
Луқмон БҮРҒИЕВ,
«Постда» мухбири.

СУРАТДА: (ўнгдан) муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари милиция подполковниги Юсуф Мақсудхўжаев ва милиция майори Анвар Сулаймонхўжаевлар билан.

Миханга ТАТАРНИКОВ
олган сурат.

«ҚУВИБ ЎТМА!»

Айрим машиналарнинг орқа бортига: «Кўзинг етса, қувиб ўт!» — деган ёзув туширилган. Бу, албатта, ҳайдовчини хушёрликка чақиради.

Сурхондарё вилоятидаги Жайранхона касалхонаси ҳайдовчиси Турдимурод Чориев ўз билганидан қолмас экан. Ҳаракат қоидаларини менсимаслик оқибати эса оғир фожиа билан тугади. «УАЗ» автомашинасида тракторни қувиб ўтаётган бошқа трактор билан тўқнашиб кетди. «УАЗ»даги беш нафар йўловчи ҳалок бўлди...

Ғ. ТЕМИРОВ.

Ҳаракат хавфсизлиги учун курашиш биргина ДАНнинг вазифаси эмас, деб ҳисобловчи Бағдод туманидаги 78-автокорхона ҳайдовчилари мана бир неча йилдирки, йўл-улов ҳодисасиз аҳолига хизмат қилиб келишмоқда. Бу борада уларнинг интизомлиги, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишлари билан бирга техник қаровларнинг ўз вақтида ўтказишяётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

СУРАТЛАРДА: навбатчи механик Анваржон Жўраев ҳайдовчи Акбарали Ҳайдаровнинг машинасини йўлга чиқиш арафасида кўздан кечирмоқда. Ғуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.



УНУТМАНГ, ОИЛАНГИЗ КУТЯПТИ!

Ҳозирги замонамизни транспорт воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Остона ҳатлаб кўчага чиқингизми, бир-бирини қувалашиб ўтаётган машиналар оқимида кўзингиз тушади. Бу бир томондан яхши.

Аммо... Кейинги пайтларда йўл-улов ҳодисалари сони ортиб бораётганлиги, кўп-кўп юртдошларимиз автофалокатлар натижасида жароҳат олиб, ҳаётдан бевақт кўз юмаётганлиги ҳам шу билан изоҳланади.

Ўтган йил 27 октябрь кеч соат беш яримларда Ултарма қишлоғида яшовчи Рафиқжон Қодиров ўзининг «ИЖ-П-5» белгили 26-70 ФЕИ рақамли мотоциклни канал ёқалаб бошқариб бораётганди. Йўлдаги белгига эътибор қилмасдан Учуй-Янгиқўрғон йўлига чиқиб олди. Натижада хўжандлик Олим Азизмаматов бошқарувидаги «ЛАЗ-699» белгили 49-31 ЛБЛ рақамли автобус билан тўқнашув юз бериб, Рафиқжон ҳалок бўлди.

3 ноябрь кун эса кеч соат бешларда Каримбобо қишлоғида истиқомат қилувчи Нўъмонжон Ёдгоров ва Иномжон Сайдалиевлар «Восход-3» белгили 25-66 ФЕИ рақамли мотоциклда спиртли ичимлик ичган ҳолда ўша канал бўйлаб ҳаракат қилишяётганди «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги ҳудудида Учуй-Янгиқўрғон йўлига чиқишди. Эҳтиётсизлик туфайли Учуй томондан келаётган самарқандлик Раҳмонқул Ҳайдаров бошқарувидаги «ВАЗ-2105» белгили А 91-57 ДД рақамли автомашинага урилишди. Бу тўқнашув ҳам оғир фожиа билан якун топди.

Фалокат оёқ остида, дейишади. Чиндан ҳам ҳар ким ўзининг тажрибаси, маҳорати юшёрлигига ишониб ҳаракат қоидаларини менсимаса, спиртли ичимлик ичиб олганда ҳам, рулни бошқаришдан ўзини тиймасе, бирор кор-ҳол юз бериши жуда осон. Бунга юқоридаги воқеалар яққол исбот бўла олади.

Айрим ота-оналар эса фарзандларининг ёшлигига ёки малакаси йўқлигига қарамасдан уловларини ишониб топширмоқдалар. Табиийки, бу ҳам фалокатга бир қадам қолди, деган сўз.

23 октябрь кун Бекобод қишлоғида яшовчи, 10-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Каримжон Жўраев йўл четиде бораётган Нигора

Мирзамаҳмудованинг тан жароҳати олиб, касалхонага ётқирилишига сабабчи бўлди. У «Урал-М-67» белгили 80-36 ФЕИ рақамли мотоцикл тезлигини ниҳоятда ошириб юборган. Натижада йўлнинг чап томонига чиқиб кетган...

9 ноябрь кун ҳам шундай кўнгилсизлик содир этилди. 12-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Лутфулла Жўраев «ИЖ-П-4» белгили 52-90 ФЕИ рақамли мотоциклни бошқариб бораётган, эҳтиётсизлик оқибатида йўлни кесиб ўтаётган беш ёшли Лазизбек Мирзакаримовни жароҳатлади.

ДАН ходимларига, тўғри, ана шундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш вазифаси юклатилган. Бунинг учун ҳис қиламиз. Ўтган йилда қоидабузарларни огоҳлантириш, ашаддийларини мавжуд тартибга мувофиқ жазолаш борасида бир қанча ишларни амалга оширдик. Ҳаммаси бўлиб 14 минг 392 нафар қоидабузар ҳайдовчиларга чора кўрдик. Улардан 305 нафари маст ҳолда рулга ўтирган. Спиртли ичимлик сархушлигига рул бошқаришни хуш кўрувчилардан юз нафари ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилди, 205 нафари эса жарима тўлади. Умуман қоидабузарлиги учун жарима тўлашга тортилганлар сони 14 минг 54 кишини ташкил этди.

Бизнинг вазифамиз фақат жазолашдангина иборат эмас, айни пайтда тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам керак. Бу томони ҳам ёддан чиққани йўқ. 1991 йилда умумтаълим мактабларида 95 марта, давлат ва жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари ҳузурида 15 марта учрашулар, суҳбатлар уюштирдик. 24 марта давлат автокорхоналарида текширувлар ўтказдик. Шундоқ бўлсада, 101 марта йўл-улов ҳодисалари содир этилиб, 14 киши ҳаётдан кўз юмди ва 98 киши турли даражада тан жароҳатлари олди.

Демак, остона ҳатлаб кўчага чиққан киши, хоҳ у рулда бўлсин, хоҳ пиёда, хушёрликини сусайтирмаслиги, уйда меҳрибон оила аъзолари тинч-омон қайтиб келишини кутаётганини эсдан чиқармаслиги керак. Юқоридаги каби дилни хуфтон этадиган воқеаларнинг юз бермаслиги ана шунга боғлиқ.

Содиқжон ДЕҲҚОНОВ,
Бувайда тумани ИИБ ДАНБ бошлиғи милиция катта лейтенанти.

Акрамжон УМАРОВ,
«Постда»нинг жамоатчи мухбири.



Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029,
Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, мухбирлар бўлими — 59-26-56, 59-20-92, умумий бўлими — 59-21-21.

Обуна рақами — 84815.
44272 нусхада чоп этилди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ»
нашриёт-матбаачилик концерни
босмаҳоваси. 700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

* Кўчириб босишда «Постда»дан энаилигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳрират фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.